



20 20 у « 1 » ИЮЛЬ

№ Қ-300

« » 20 г.

Жарқўрғон тумани “Оққўрғон” массиви “Қораёнтоқ” маҳалласи худудидан “SILVER GOLD GRAND” МЧЖга “Иссиқхона” ва “Ёшлар меҳнат гузари” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/360-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 28 майдаги 84/05-29-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/360-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани “Оққўрғон” массиви “Қораёнтоқ” маҳалласи худудидан “SILVER GOLD GRAND” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1қ-дала контуридаги жами 2,0 гектар яйлов ер майдонига шундан 1,90 гектарига енгил конструкцияли “Иссиқхона” ва 0,10 гектарига “Ёшлар меҳнат гузари” қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “SILVER GOLD GRAND” МЧЖ бошлиғи Ў.Мамаражабовга:

“Иссиқхона” қуриш учун ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. “SILVER GOLD GRAND” МЧЖ “Ёшлар меҳнат гузари” қурилиши учун ажратилаётган 0,10 гектар ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 1 338 486 (бир миллион уч юз ўттиз саккиз минг тўрт юз саксон олти) сўм давлат тўлов

коплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам:
23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами
(4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини
таъминласин.

5. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва
Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши
муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни
таъминласин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-
сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг
ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов